

"ДИЗАЙН — ЗАМОНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ"

“Ренессанс таълим” университети, Ўзбекистон

“Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси

доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Рашидова Машхура Каримовна.

Аннотация: Ушбу мақолада, дизайн, нарсаларни яратиш ва истеъмол қилиш жараёнида инсон учун энг қулай шароитларни таъминлай оладиган яхлит эстетик аҳамиятга молик буюмлар муҳитини вужудга келтириши ҳамда инсон эстетик эҳтиёжларини қондиришдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилган.

Калит сўзлар. Дизайн, моддий маданият, фан-техника, гўзаллик, техник ижодкорлик, шахс, жамият, эстетика, дизайнер.

Рашидова Машхура Каримовна – кандидат философских наук

доцент кафедры «Социальных и политических наук».

Университет Renaissance ta'lim Ўзбекистан

«ДИЗАЙН - ОДИН ИЗ ГЛАВНЫХ ФАКТОРОВ УДОВЛЕТВОРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ»

Аннотация: В статье показаны роль и значение дизайна в создании среды целостных эстетических объектов, способных обеспечить максимально комфортные условия для человека в процессе создания и потребления вещей, а также в удовлетворении эстетических потребностей человека.

Ключевые слова. Дизайн, материальная культура, наука и техника, красота, техническое творчество, личность, общество, эстетика, дизайнер.

"DESIGN IS ONE OF THE MAIN FACTORS IN SATISFYING MODERN NEEDS"

Rashidova Mashhura Karimovna - Educational University "Renaissance",

Associate Professor of the Department of "Socio-Political Sciences",

Abstract: The article shows the role and importance of design in creating an environment of integral aesthetic objects that can provide the most comfortable conditions for a person in the process of creating and consuming things, as well as in satisfying the aesthetic needs of a person.

Key words: Design, material culture, science and technology, beauty, technical creativity, personality, society, aesthetics, designer.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти маданиятнинг барча жабҳаларига, шу жумладан моддий ва маънавий маданият туташган ерда вужудга келган бадий маданиятга ҳам ўзгаришлар киритди. Технологик жараёнлари реал воқеликка янгича ёндашувларни, бадий ижодиётнинг янги шакллари вужудга келтирди, маданий қадриятларни тарқатиш, сақлаш, кўпайтиришнинг имкониятларини яратди. Барча предметлардаги бадийлик ва техник ижодкорликнинг синтезлашуви, ўзида гўзалликни англаш, юксак эстетик дидни намоён қилишда қўлланиладиган моддий маданиятнинг янги соҳаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Бадийлик ва техникавийлик бирлиги шахс ва жамият маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг янги йўналишларига эҳтиёжнинг юзага келиши, маданиятнинг моддий-техник ва бадий тизимости муносабатларидаги диалектик зиддиятлар туфайли пайдо бўлади. Хусусан, технологик тараққиёт ва шахс эстетик эҳтиёжларини қондириши ўртасида номуносиваблик кузатилмоқда. Яъни, кундалик эстетик эҳтиёжларнинг қондирилиши бизни қуршаб олган муҳитни маданий ташкил этишдан орқада қолмоқда.

Содир бўлган вазиятдан чиқиш йўлидаги изланишлар ишлаб чиқаришни эстетиклаштириш муаммоларини ечиш зарурияти “Дизайн”-санъат ва техникани уйғунлаштирувчи янги йўналишнинг яратилишига олиб келди. Дизайн ўз тараққиёти жараёнида инсонни қуршаб турган предмет-буюмлар муҳитини, ишлаб чиқаришни умуман инсон фаолиятининг барча

соҳаларини қамраб олди. Шундай қилиб, дизайн, техник эстетиканинг нисбатан мустақил соҳасидан, муҳитни маданий ташкил этувчи универсал воситага айланди.

Дизайн гўзаллик категорияси билан ҳамкорликда тараққий этиб боради. Холбуки, буюмни бадиий лойихалаштиришда унинг шакли билан мазмуни ҳамоҳанг, мос бўлиши керак. Дизайндаги эстетик талаб шахснинг моддий эҳтиёжи билан бирга моддий эҳтиёжини ҳам қондира олгандагина ўзида гўзалликни намоён эттиради. Дарҳақиқат, дизайн нафақат техника саноатининг маҳсулотига нисбатан қўлланилади, балки ўзида бунданда кенг қамровли хусусиятларни ҳам акс эттиради.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида дизайн маҳсулот сифатини оширишнинг таъсирчан воситаси бўлиб, ўзида илмий изланишларнинг энг сўнгги ютуқларини юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларни ифода этиши ва истеъмолчиларнинг эстетик талабларига жавоб бериши билан жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминламоқда.

Хозирги кунда жамият тараққиёти жараёнида инсоннинг атроф-муҳитга бўлган эстетик муносабатлари ўзгариб бормоқда. Яъни, инсонда ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари, ҳаёт тарзининг йўналишларига мос эстетик қарашлар тизимини шакллантирмоқда. Бунда ишлаб чиқариш муҳитининг эстетик жихатларини вужудга келтириш, унга «маънавий кадрият» макomini бериш дизайн (техника эстетикаси) га оид расм-чизмалар, моделлар, безаклар воситасида ҳам амалга оширилади.

Техник тараққиётнинг инсоний мезонлари нафақат ижтимоий фанлар, балки улар билан алоқадорликда жуда кўп табиий ва техник фанлар томонидан ҳам ўрганилади. Уларнинг ўзаро алоқадорликлари дизайнда ифода топади. Дизайн эса буюм-ашёлар муҳитини инсонпарварлаштиришга қаратилган тарзда инсон турмуш тарзини такомиллаштириб бойитишнинг

шартларидан бири бўлиб хизмат қилади. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуришга, уни инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда дизайннинг инсонпарварлик мазмуни худди шу мослашувчи-ижодийлик йўналишида муҳим аҳамият касб этиб, буюм-ашё оламининг инсон билан уйғунлашиб муҳитнинг яхлитлигига эришиш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Жумладан, мамлакатимизда бунёд этилаётган муҳташам бинолар, иншоотларнинг миллий меъморчилик анъаналари билан Оврўпа меъморчилик анъаналарининг уйғунлигига асосланади. «Интер Континентал» меҳмонхоналари, «Миллий Банк», «Марказий Банк», «Тошкент шаҳар ҳокимияти», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат биноси, «Ўзбек Миллий театри», «Ўзбек Давлат Консерваторияси» бинолари, «Юнусобод», «Жар» соғломлаштириш мажмуалари, Талабалар турар жойи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ва бошқа иншоотлар шулар жумласидандир.

Бу гўзалликка бўлган шундай бир интилишки, инсоннинг барча улуғвор интилишларини намоён қилувчи, том маънодаги инсон эркинлиги сари олиб боровчи йўлдир. Ф.Шиллер ўзининг «Инсонни эстетик тарбиялаш ҳақидаги мактублари» даёқ икки ўта муҳим тезисни олға сурган: биринчиси-инсон «зарурийлик ишини эркин танловга асосланган ишга ва жисмоний эҳтиёжни маънавий эҳтиёжга айлантириши мумкин»; иккинчиси-«эркинлик сари йўл фақат гўзаллик орқали боради».¹ Шу боис турмуш буюмларидаги гўзаллик, бу предметнинг вазифасига шунчаки қилинган қўшимча эмас, балки бу шахс ва умуман жамиятнинг эркинликка йўналтирилган ўзлигининг намоён бўлиши ҳамдир.

Жисмоний заруриятдан маънавийга, ундан эса эстетик эҳтиёжларга ўтиш, шахснинг баркамоллик сари доимий интилишининг намоён бўлиши сифатида, бадиийлик ва техникавийлик уйғунлиги муаммосини ечади. Хусусан у турмуш эстетикасида юксак маънавий-эстетик маданиятга эга

¹ Шиллер Ф. Собр. соч. Москва. 1957.т.6.с.255,254.

бўлган ҳақиқий демократик жамиятни қуришнинг стратегик мақсади сифатида намоён бўлади.

Дизайннинг заруриятга айланиши нафақат замонавий илмий техникавий раванққа, балки оммавий ишлаб чиқариш ва оммавий маданият даражасининг юксаклигига ҳам боғлиқ.

Дизайн - бу зиддият ифодасининг шакли бўлиб, буюм-ашёлар ўзида икки қарама-қарши хоссалар: гўзаллик ва фойдалиликни бирлаштиради.

Инсоннинг бадиий-техник фаолияти хусусиятлари ва қонуниятларини очиқ бериш техника эстетикасининг вазифасидир. Техника эстетикаси ўзининг амалий жиҳатлари билан бевосита дизайннинг таркибий қисмига айланиб кетади. Дизайн дунёқарашга тааллуқли, мавжуд умумий эстетик назария билан боғлиқ. Дизайннинг махсус фаолият тури сифатидаги хусусиятлари; дизайн ва санъатнинг ўзаро муносабатлари; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бадиий ижод иштироки, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқлар; техниканинг эстетик жиҳозланиши ва эстетик қиймати каби муаммолар таҳлили эстетик фаолиятда кўп самара бериши мумкин.

Дизайнда муҳандислик, илмий ва бадиий фаолият қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуриш, уни инсон манфаат ва эҳтиёжларига мослаштиришга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириб туриш ҳам дизайнернинг вазифасига киради. Дизайнер, ишлаб чиқариш соҳасида имкон қадар истеъмолчи манфаатлари томонида туради. Истеъмолчи дид, савиясининг ошиб боришида дизайнернинг эстетик маданияти, эстетик диди даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Дизайнер лойихалаштираётган нарсалар, улар истеъмол буюмлари ёки техник қурилмалар бўлишидан қатъий назар, нимага хизмат қилиши, ранги ва бошқа жиҳатларини ўзаро мувофиқлаштиради. Бу билан у нарсаларни яратиш ва истеъмол қилиш жараёнида инсон учун энг қулай шароитларни

таъминлай оладиган яхлит эстетик аҳамиятга молик буюмлар муҳитини вужудга келтиради.

Инсон фаолияти билан яратилган эстетик қадриятлар, агар маҳсулотларда шакл ҳамоҳанглигидан теранроқ инсон ҳаётининг ижтимоий аҳамиятли пайтлари сезилмаса, агар мазкур маҳсулот аниқ ғоявий хоссага эга бўлмаса, бадиийлик касб эта олмайди. Ҳозирги кунда архитектурадаги ҳукмрон эстетик йўналишлар боғ-паркчилик санъатида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдончалар ва фавворларни кўпайтириш нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг бошқа вилоятлари жамоли ва ободончилигини оширмоқда.

Дизайнернинг ижоди буюм-ашё шароитлари, ижтимоий ва шахсий ҳаётни инсонпарварлаштириш талабларига буйсундирилган бўлиб, кишилик жамияти тарихи давомида яратилган, инсон ва буюм-ашё дунё ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ижтимоий-маданий тасаввурлари мажмуаси устига қурилгандир.

Дизайннинг бадиий конструкциялаш тарзида талқин қилиш шахсий маънода ҳам, ижтимоий йўналишда ҳам янги имкониятлар очиб беради ва янги эҳтиёжларни шакллантиради. Масалан, фитодизайн турли хидларни бир-бири билан алмаштириш орқали нафосат туйғуси шакллантиради, биодизайн турли жонлилар масалан, уй ҳайвонларига ўхшаган работлар яратишга қаратилган, экодизайн инсонни ўз фаолияти маҳсулотларининг зарарли таъсирларидан, табиий офатлардан ҳимоялайдиган фойдали сунъий муҳит яратади ва ш.к.

Шундай қилиб, дизайн замонавий эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. У нафақат маҳсулотлар ва хизматларнинг ташқи кўринишини яратиш, балки уларнинг функционаллиги, қулайлиги ва эҳтиёжларга мослигини таъминлаш воситасидир. Замонавий дунёда дизайн фақатгина эстетик тузилиш эмас, балки жамиятнинг янги талабларини қондиришда стратегик восита сифатида

намоён бўлмоқда. Шундай экан, дизайнга инновацион ёндашув орқали нафақат янги маҳсулотлар яратилади, балки жамиятнинг янги эҳтиёжлари ҳам шакллантирилади ва қондирилади. Бу эса дизайннинг аҳамиятини янада оширади ва унинг келажакдаги ролини янада мустаҳкамлайди.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Цай А.В. Материальная культура в свете современной эстетики.-Т.: Фан. 1994.
2. Безмоздин Л. В мире дизайна. – Т., 1990.
3. Умаров Э. Эстетика. Т., Ўзбекистон 1995 йил.